



Бу Ўзбекистон учун жахонда катта тарихий муваффакият бўлиши мумкин. Алп Эр Тўнга кабри Туркиянинг Гази университети профессори доктор Нежати Демир томонидан Бухорода олиб борилган изланишлари давомида топилган. “Турк дунёсини кутлайман. Туркийларнинг умумий бобокалони Алп Эр Тўнга кабри мен томонимдан Бухородан топилди. Кадимги араб ва форс манбаларида Алп Эр Тўнга макбараси Бухорода эканлиги айтилган. Мени вилоят тарихчилари ва тадқиқотчилари ҳам қўллаб-қувватлашди. Тафсилотларни якин кунларда бахам қўраман”, деган доктор. Маълумот учун, Алп Эр Тўнга милоддан аввалги VII асрда яшаган, деб тахмин қилинади. Алп Эр Тўнга таникли харбий саркарда ва машхур давлат арбоби бўлиб, у туркий халқлар бобокалони ҳисобланади. У қўчманчи чорвадор аҳоли ўртасида Алп Эр Тўнга, ўтроқ дехкончилик вохалари аҳолиси ўртасида Афросиёб номи билан машхур бўлган шахс Турон давлатига асос солган ва унинг биринчи хоони (хокони) бўлган. Алп Эр Тўнга хақида Махмуд Кошгарий ўзининг “Девону луготит турк”, Абу Райхон Беруний ўзининг “Кадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” китобида маълумот беради.

Хуллас Алп Эр Тўнга (Афросиёб)нинг тарихий шахслиги ва кабрининг кашф этилишини жахон афкор оммаси томонидан тан олинishi йўлида барча зиёли тарихчи ва олимларимизнинг бирлашиши вақти келди, деб ўйлайман. Тарихий ҳақиқатни тиклаш миллий ҳаракатга айланиши лозим.